

УЎТ: 631.5.,635.19.

**ХЎРАКИ НЎХАТНИ ДАСТЛАБКИ НАВ СИНАШ
КЎЧАТЗОРЛАРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ
БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

T.Raximov, Z. Zokirov

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти

E-mail: ddeiti-19@mail.ru

Аннотация: Мақолада хўраки нўхат ўсимлигининг дастлабки нав синаш кўчатзоридаги нав ва линияларининг натижалари асосасида асосий поясининг баландлиги, 1000 дона дон вазни, дуккаклар сони, дуккакдаги дон сони ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Аннотация: В статье приведены сведения о высоте главного стебля, массе 1000 зерен, числе стручков, количестве зерен в стручках и показателях урожайности по результатам сортов и линий первого сортоиспытания сеянцев бобовых культур.

Annotation: The article provides information about the height of the main stem, the weight of 1000 grains, the number of pods, the number of grains in pods and yield indicators based on the results of varieties and lines of the first variety testing of seedlings of legumes..

Калит сўзлар: Ўсимлик, поя, баландлик, нўхат, нав, вариант, қайтарик, дуккак, дон, 1000 дона дон вазни, ҳосилдорлик.

Ключевые слова: растение, стебель, высота, горох, сорт, вариант, отдача, боб, зерно, масса 1000 зерен, урожайность.

Key words: plant, stem, height, pea, variety, variant, return, bean, grain, weight of 1000 grains, yield.

КИРИШ

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири нўхат ўсимлигининг оқсилга бой, қурғоқчиликка бардошли, қимматли хўжалик белгиларига эга ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган янги навларни яратиш талаб этилмоқда. Шунингдек ҳалқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган нав ва линияларни интрадукция қилиш, иқлим шароитига мослашувчанлик, қурғоқчиликка чидамлигини ўрганиш, ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган қимматли манбаларни танлашда бошланғич манбалар яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтида 2000 йилдан бошлаб халқаро ИКАРДА илмий ташкилоти билан ҳамкорликда олиб борилаётган илмий изланишлар натижаси асосида нўхат ўсимлигининг кўплаб коллекция нав ва намуналарининг тупроқларимиз шароитида агроэкологик мослашувчанлигини, совуққа, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга чидамлилигини ўрганиш мақсадида бир нечта кўчатзорларда тажрибалар олиб борилмоқда.

Мазкур нав ва линияларнинг суғориладиган тупроқлар шароитида ўстиришга мос, серҳосил, сероқсил янги навларини яратиш ва бунинг учун рақобатли нав синаш (рнс), дастлабки нав синаш (днс), назорат, коллекция кўчатзорларидаги нав ва линияларини агроэкологик мослашувчанлигини ҳар томонлама ўрганиш орқали, энг яхши мослашганлари асосида суғориладиган тупроқ иқлим шароитида нўхатнинг нав ва линияларини ўстиришни йўлга қўйиш орқали ўрганишдан иборатдир.

Институтнинг Марказий тажриба даласида 2021 йилда қуйидаги тизимда дала тажрибалари амалга оширилди.

Дастлабки нав синаш (ДНС) кўчатзорида 2021 йил учун хўраки нўхатнинг 15 та нав ва линиялари жойлаштирилиб, уларнинг соф тажриба майдонлари 14,4 м² майдонда жойлашган бўлиб, ҳар бир нав ва линияларни 4 қайтариқда икки ярусда тажрибалар жойлаштирилди.

Тажрибадаги вариантларни делянкаларга жойлаштиришда тасодифий услубдан фойдаланилди, қайтариқлар сони 4 та. Экиш 60см x 5см x 1 усулида қўлда кучи ёрдамида олиб борилди, экиш чуқурлиги 4-5 см ташкил этди. Ҳар бир вариантдан кейин 0,60 см. химоя майдончаси, ҳар қайтариқдан кейин 1 м. химоя майдончаси қолдирилди. Ҳар бир делянкани майдони $12\text{м} \times 1,2\text{м} = 14,4 \text{ м}^2$ майдонни ташкил этди. [2]

Тажрибаларда st (андоза) сифатида республикамызда районлашган маҳаллий “Полвон” ва “Зумрад” навларидан фойдаланилди.

Ҳўраки нўхатнинг Дастлабки нав синаш кўчатзорларидаги нав ва линияларнинг тажриба майдонларидаги ҳосилни йиғиштиришдан аввал белгиланган ҳар бир делянка майдонларидаги ўсимликларни пишиш босқичига ўтганда белгиланган майдонлардан нўхатнинг нав ва линияларидан 10 тупдан ўсимликлар ажратиб олиниб уларнинг асосий биометрик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида ҳосил қисмлари дуккаклар сони, битта дуккакдаги дон сони, умумий бир тупдаги донлар сони каби кўрсаткичларни лаборатория шароитида санаш, ўлчаш, тортиш орқали аниқланди.

Чунки, ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинларида ҳам, барча қилинган ҳаракат-ҳаражатларнинг натижаси ҳосилдорлик бўлиб ўсимликларни ҳар тупдаги ўртача дуккаклар сони, дуккакдаги ўртача дон сони, донини ўртача 1000 донасини вазни каби биометрик хўжалик кўрсаткичларини лаборатория шароитида ҳисоблаш орқали барча нав ва линияларнинг ўртача кўрсаткичлари аниқлаб олинди. (1-жадвал)

Ҳўраки нўхатни Дастлабки нав синаш кўчатзорларида ўстирилган ўсимликларнинг биометрик кўрсаткичларининг таҳлилини кўрсатишича кузги қилиб ўстирилган нав ва линияларнинг асосий поясининг баладлиги ўртача Flip 82-10C 74,9 см, Flip 08-44C 75,8 см, Flip 08-40C 77,3 см, Flip 03-50C 78,8 см, Flip 99-41C 79,4 см, Flip 97-23C 79.9 см, ни ташкил этди. Бу ўз навбатида юқоридаги линиялар андоза навларга нисбатан 5,4-5,9 см баланд ўсганлиги билан механизация билан ўриб олишга мослашганлиги кузатилди.

Хўраки нўхатни Дастлабки нав синаш кўчатзорларида ўстирилган ўсимликларнинг биометрик кўрсаткичларининг таҳлилини кўрсатишича кузги қилиб ўстирилган линияларнинг бир туп ўсимликдаги шаклланган дуккаклар сони мос равишда ўртача Flip 82-10C 67,3 дона, Flip 08-40C 68,7 дона, Flip 03-50C 68,9 дона, Flip 97-23C 71,5 дона, Flip 99-41C 71,9 дона дуккакни ташкил этиб, андоза навларга нисбатан 4,4-5,1 дона кўп дуккаклар шаклланган бўлиб, уларнинг ҳар бир дуккакдаги дон сони ўртача 1,2 донани ташкил этди.

Дастлабки нав синаш кўчатзоридаги нав ва линияларнинг ҳар бир тупдаги ҳосил бўлган донлар сони ўртача Flip 82-10C 80,7 дона, Flip 08-40C 82,4 дона, Flip 03-50C 82,6 дона, Flip 97-23C 85,8 дона, Flip 99-41C 86,2 донани ташкил этиб, андоза навларга нисбатан 6,0-6,2 дона кўп дон ҳосил бўлганлиги кузатилди.

Шунингдек тажриба кўчатзорларидаги нав ва линияларнинг белгиланган қайтариқлардан олинган уруғликларни лаборатория шароитида йирик майдалигини баҳолаш мақсадида 1000 дона дон вазнини таҳлил қилиш орқали барча кўчатзорлардаги нав ва линияларнинг уруғликларни вазни таҳлил қилинди. Лаборатория таҳлиллари натижасида нўхатнинг нав ва линияларининг донларининг 1000 донасининг вазни мос равишда ўртача Flip 05-13C, Flip 08-44C 405 грамм, Flip 03-50C, Flip 08-40C 410 грамм, Flip 99-41C, Flip 82-10C 415 грамм, Flip 97-23C 420 граммга тўғри келиб, қолган нав ва линияларнинг 1000 дона дон вазни ўртача 380-400 граммга тенг эканлиги лаборатория таҳлилларида аниқланди.

Хўраки нўхатни дастлабки нав синаш кўчатзоридаги
ўсимликларнинг асосий биометрик-хўжалик кўрсаткичлари.

№	Нав ва линияларнинг номи	Асосий поясининг баландлиги	Дуккаклар сони, дона	Хар бир ўсимликдаги умумий дон сони, дона	1000 дона дон вазни, г	Ўртача ҳосилдорлик ц/га
1	FLIP 08-90C	71,6	64,1	76,9	390	30,2
2	FLIP 05-13C	70,0	60,1	72,1	405	22,9
3	FLIP 03-50C	78,8	68,9	82,6	410	34,7
4	FLIP 08-44C	75,8	66,1	79,3	405	33,1
5	Полвон st	69,5	62,9	74,5	390	28,1
6	FLIP 08-15C	72,3	66,9	80,2	390	27,8
7	FLIP 99-41C	79,4	71,9	86,2	415	36,9
8	FLIP 08-40C	77,3	68,7	82,4	410	35,9
9	FLIP 82-10C	74,9	67,3	80,7	415	36,6
10	FLIP 03-97C	70,5	65,9	79,1	390	30,9
11	Зумрад St	74,0	66,8	80,2	400	31,7
12	FLIP 97-23C	79,9	71,5	85,8	420	37,9
13	FLIP 98-28C	69,9	66,4	79,6	390	23,7
14	Юлдуз	72,3	65,9	79,1	400	27,9

Хўраки нўхатнинг рақобатли нав синаш кўчатзорида ўстирилган нав ва линияларнинг ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари андоза сифатида экилган Полвон, Зумрад навларига нисбатан 2,5-6,2 ц/га юқори бўлиб, бунда Flip 08-44C ўртача 33,1 ц/га, Flip 03-50C 34,7 ц/га, Flip 08-40C 35,9 ц/га, Flip 82-10C 36,6 ц/га, Flip 99-41C 36,9 ц/га, Flip 97-23C 37,9 ц/га ҳосилдорликни ташкил этди. [3]

Хўраки нўхат дастлабки нав синаш кўчатзорида ўстирилган нўхатнинг нав ва линияларининг биометрик-хўжалик кўрсаткичлари дуккаклар сони, бир тупдаги ўртача дон сони ҳамда касаллик ва зараркунандаларга чидамлик, худди шунингдек тажрибадаги андоза навлардан ҳосилдорлик кўрсаткичлари

бўйича энг юқори бўлган Flip 08-44C, Flip 003-50C, Flip 08-40C, Flip 82-10C, Flip 99-41C, Flip 97-23C линияларнинг илмий дала тажрибалари рақобатли нав синаш кўчатзорларида давом эттирилади.

Келгусида ушбу танлаб олинган янги линияларни Рақобатли нав синаш кўчатзорларда дала тажрибалари давом эттирилиб, энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган ҳамда ҳосилдорлиги юқори линияларни янги навлар сифатида уруғчилиги ва етиштириш агротехникаси бўйича тажрибалар амалга оширишни йўлга қўйиш ва ушбу танлаб олинган янги линияларни номланиб қишлоқ хўжалиги нав синаш марказига нав сифатида тақдим этилади.

Манбалар ва адабиётлар рўйхати.

1. Б.А. Доспехов. Методика полевых опытов. М. 1985 г.
2. Б.А. Доспехов. Методика полевых опытов. М. 1985 г.
3. Посыпанов Г.С. “Растениеводства”. Раздел Зернобобых культур. Москва. 2006 г.